

ТЕАТР

2015/1

МАВСУМДАН СЎНГ...

Маданий ҳаётимизнинг барча жабҳалари қатори яқунланган йил театр санъати учун ҳам баракали ва сермахсул бўлди...

“ЛАЙЛИ - МАЖНУН”

“Лайли - Мажнун”нинг бош репетицияси бўладиргон кунини Тошкент шаҳрининг обрўлик кишилари таклифнома билан қаҳирилди.

БОЛАЛАР ДРАМАТУРГИЯСИ АСОСЧИСИ

1925 йили Парижда ўтказилган бутун дунё декоратив санъати кўргазмасида Қори Ёқубов ва Тамараҳоним томонидан “Эрк болалари” пьесаси ижро этилди. Асарнинг либреттоси француз ва немис тилларига таржима қилиниб, босилиб чиқди.

СУРАТЛАРДАГИ ТЕАТР

... Раҳмонбек асли “фотограф” эмас, бир вақтнинг ўзида ҳам цирк артисти — фокусчи, театршунос-иқтисодчи, театр ва кино актёри ҳам экан.



УШБУ СОНДА:

САРҲИСОБ Мавсумдан сўнг... <i>В. УМАРОВ</i>	2-3	ШКОЛА МАСТЕРСТВА Перспектива и ракурс в создании изобразительного образа в кинематографе <i>А. ИСМАИЛОВ</i>	30-31
ИЗЛАНИШ Миллий театр сценографияси: тарих ва замонавийлик <i>Д. ҚОДИРОВА</i>	4-7	ВИЛОЯТ ТЕАТРЛАРИДА “Тандир она саховати” <i>Т. ҚОБИЛ</i>	32
НАУЧНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ Режиссура узбекского национального академического театра драмы <i>М. ТУЛЯХОДЖАЕВА</i>	8-12	СИЗЛАР УЧУН УЧРАШУВЛАР Суратлардаги театр <i>Э. УСМОНОВ</i>	34-35
БИР АСАР ТАРИХИ “Лайли – Мажнун” <i>А. АКБАРОВ</i>	13-14	САҲНА ОРТИ ЗАҲМАТКАШЛАРИ Болажонларни ҳайратга солиб... <i>Г. БОНУ</i>	36
“ДЕБЮТ” ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЎРИК-ФЕСТИВАЛИ “Дебют” – 2014	15	ТЕАТР ВА ТОМОШАБИН Спектакль сизга ёқдими? <i>М. ЯКУБЖАНОВА</i>	37-38
“ДЕБЮТ” ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЎРИК-ФЕСТИВАЛИ Драматургияда янги авлод <i>Ш. АБДУРАСУЛОВ</i>	16-17	“ТЕАТР” ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ	38-41
“ДЕБЮТ” ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЎРИК-ФЕСТИВАЛИ Режиссурамиз келажаги <i>М. МУҲАММАДАМИНОВА</i>	18-19	САНЪАТНИНГ РАНГИН ОЛАМИ Ўзбек миллий рақсининг сеҳрли жилоси <i>М. СОТВОЛДИЕВА</i>	39-41
“ДЕБЮТ” ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЎРИК-ФЕСТИВАЛИ Саҳнада ёш актёрлар <i>Ф. АБДУВОҲИДОВ</i>	20-21	МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН Кулгу ва табассум орасида <i>М. ҒАНИЕВ</i>	42-43
ЖАРАЁН Фольклор ва кўғирчоқ театри <i>Д. ЮСУПОВ</i>	24-25	ЭҲТИРОМ “Отахон” театрнинг “отакони” <i>Д. ОРИПОВ</i>	44
ИЖОД – ИЗЛАНИШ ДЕМАК Соҳасининг сара соҳибаси <i>Ж. МАМАТҚОСИМОВ</i>	26-27	ХОТИРА Доира оҳангига боғланган умр <i>Д. ИСЛОМОВ</i>	45-47
ТАРИХНИНГ ЎҚИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ Болалар драматургияси асосчиси <i>О. УСМОНОВ</i>	28-29	ДУНЁ ТЕАТРЛАРИ Зальцбургда опера куйлайдиган кўғирчоқлар <i>А. ИСМОИЛОВ</i>	48

Олим УСМОНОВ,
ЎзМУ доценти

ТЕАТР

БОЛАЛАР ДРАМАТУРГИЯСИ АСОСЧИСИ

Ўтган асрнинг 10-йилларидан бошлаб Туркистонда миллий Уйғониш ҳаракати кенг қулоч ёза бошлади, маърифатпарварлар доираси шиддат билан кенгая борди. Ўлкада янги-янги газета ва журналлар пайдо бўлиб, маънавий ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар яққол кўзга ташланди. Бу ўзгаришларнинг самараларидан бири Европа усулидаги янги театрнинг вужудга келишидир. Театрнинг ҳам, матбуот ва янги усулдаги мактабларнинг ҳам руҳи бир хилда эди; уларнинг бариси маърифатпарварлик, илм ва фанда Европа мамлакатларига етиб олиш, дунёқарашнинг қотиб қолган шаклларидадан воз кечиш, хурофот ва жаҳолатга қарши кураш ғоялари билан суғорилган эди. Ўша даврда кўплаб зиёлилар сингари Тошкент маърифатпарварларининг атоқли намояндalarидан бири бўлган Ғулом Зафарий ҳам элни маърифат нури билан баҳраманд этишга, халқ онгида қотиб қолган, унинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган урф-одатларни ислоҳ этишга жидду-жаҳд билан киришди. У ҳам дастлаб ўз замонасининг бир қатор бошловчи ижодкорлари сингари Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” асаридан таъсирланиб, 1915 йилда “Бахтсиз шогирд” номли драма ёзади.

Халқ онгида асрлар мобайнида томир отган жаҳолатни бирданига йўқотишнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун, бу ишни аввало болалар тарбиясидан бошламоқ, уларнинг соф қалбига ватанпарварлик, келажакка ишонч, эзгулик ва маърифатпарварлик туйғуларини жо қилмоқ лозим эди. Бу эзгу ишни амалга оширишда замонавий театрнинг роли беқиёс эканлигини теран хис қилган Ғулом Зафарий болалар ва ёшлар ҳаётидан олиб ёзилган, замон руҳидаги, ахлокий – ташвиқий характердаги кичик сахна асарларини ёзишга киришди ва ўзбек адабиётида болалар драматургиясига тамал тошини қўйди.

Давр шиддатли кечарди ва у барча маърифатпарварларни ҳамма соҳаларда жўшқин меҳнат қилишга, жумладан болаларни келажаги нурли

ҳаётга тайёрлашга, маърифатли қилиб тарбиялашга ундарди. Драматургнинг 10-йиллар охири – 20-йиллар бошларида ёзилган “Баҳор”, “Тунафша”, “Тилак”, “Тўсқинчилик”, “Раҳимли шогирд”, “Мозорликда”, “Куён”, “Татимбой ота”, “Эрк болалари”, “Туйғуной” каби асарлари шу мақсадда яратилган. Бу асарлар дастлаб хаваскор сахналарда, кейинроқ профессионал театр сахналарида намойиш қилинди. 1919 йилда ёзилиб, шу йили сахналаштирилган “Тилак” пьесасида драматург ўзининг эзгу орзу-тилақларини, қарашларини асар бош қахрамони Мурод образи орқали ифодалайди. Муроднинг фикрича, миллатнинг таракқиётга эришиши учун унинг барча аъзолари маърифатли бўлиши шарт. Шундай экан, нега хотин-қизларнинг билим олишига шароит яратиб берилмаяпти? Ахир инсониятнинг ярмини хотин-қизлар ташкил этади-ку?! Агар хотин-қизлар саводсиз бўлса, бу жамиятнинг ярми саводсиз бўлади дегани эмасми?!



Хотин-қизларнинг илм олишига ўша давр маърифатпарварларининг бу қадар эътибор билан қарашлари бежиз эмас эди. Улар миллатнинг келажаги оналарнинг қўлида эканлигини теран англаганлар. Ҳар бир инсон илк тарбияни, аввало, ўз онасидан олади. Шундай экан, онанинг маърифатли бўлиши миллатнинг порлоқ келажак

ги гаровидир. “Тилак” пьесасида худди шу ғоя илғари сурилади.

Ушбу асар Ғулом Зафарийнинг “Ёмон ўғил”, “Раҳмли шогирд” пьесалари билан биргаликда бир спектакль шаклида Маннон Уйғур раҳбарлигидаги театр труппаси томонидан 1919 йил 4 октябрда намойиш этилган. Шуниси диққатга сазоворки, бу асар давлат театрининг болаларга аталган биринчи спектакли эди. Бу спектакль ҳам Ғулом Зафарийнинг маслакдош дўстлари бўлган Фитрат ва Маннон Уйғур асарлари билан бирга намойиш қилинган. “Иштирокиюн” газетасининг 1919 йил 4 октябрь сонидида куйидаги билдириш бор:

“Ўзбекча театру 1919 – йил 4 ўктябр, шанба кунини “Турон” сахнасида Артистлар союзи тарафидан сахнага қўйилур:

1. “Тилак” бир пардали илмий-ахлоқий пьеса. Ёзувчи: Ғулом Зафарий.

2. “Ёмон ўғил”. Раҳимсиз ўғилнинг ҳолин кўрсатувчи манзара. Ёзувчи: Ғулом Зафарий.

3. “Раҳимли шогирд”. Раҳимли шогирдини тасвир этувчи ўпера ҳолинда манзара. Ёзувчи Ғулом Зафарий.

4. Дикламация. Машхур шоиримиз Фитрат афандининг асарларидан ўқилур.

5. “Фанний уй”. Мактанчок, жоҳил кишиларнинг фан тўғрисида англовларин тасвир қилувчи бир пардали кулгу(комедия). Ёзувчи Уйғур.

6. “Туркистон табиби” номи орқасинда қилғон муолажаларин кўрсатувчи бир пардали кулгу(комедия). Ёзувчи Уйғур”.

Ғулом Зафарийнинг “Раҳимли шогирд” асари бир кўринишли драма бўлиб, жуда содда, болаларбоп усулда ёзилган. Илғор ўқувчилардан бири кўчада дайдиб юрган гадоё болани учратиб қолади ва уни билим уйига даъват қилади. У ерда озик-овқат ва кийим-кечак етарлилигини, яхши билим олиши мумкинлигини уқтиради. Тиланчи боланинг касал онаси ва опасига ўқувчи ўз уйдан жой беришга ваъда беради.

Бу даврда ўлкада ижтимоий-иқтисодий аҳвол оғир эди. Жамиятдаги ағдар-тўнтарлар, синфий зиддиятлар туфайли ота-онасиз қолган етимлар кўчаларда дайдилик қилишар ёки турли ёмон йўللарга кириб кетишарди. Бу ҳол миллатпарвар адиб Ғулом Зафарийни ҳам изтиробга солган. Мана шу изтироблари натижаси ўларок у “Монорликда” пьесасини ёзади. Бу асарда етим боланинг она мозори устида фарёд чекиши, нолаю фиғонлари, онанинг қабрдан чиққан армонли нолалари ўткир драматик тарзда ифодаланади. Ўша даврда яшаб, пьесани томоша қилган кишиларнинг хотирлашича, бу асар томошабинларга кучли таъсир кўрсатган, туйғуларини жунбишга келтирган. Миллатни ҳалокатдан қутқарувчи бирдан-бир тўғри йўл маърифатда деб билган Ғулом Зафарий деярли барча асарларида халқни билим олишга даъват эта-

ди. Мазкур пьеса ҳам мактаб ўқувчиларининг мозор ёнига келиб, болани мактабга даъват этиши ва етим боланинг мактабга отланиши билан тугайди. Табиийки, бундай ечим асарда биров сунъийлик пайдо қилган. Лекин бундай ҳолат ўша даврдаги кўпчилик адиблар ижодига хос бўлган, яъни кечаётган улғур бир жараён – миллий Уйғониш зиёлилардан тарғиботчиликни талаб қилган.

Ёшлар ҳаётиндан олиб ёзилган “Эрк болалари” ва “Туйғунон” деб номланган бир пардали мусиқали драмаларида Ғулом Зафарий ёшлик, гўзаллик ва муҳаббатни мадҳ этади. Бу икки асарда ҳам севишган икки ёш йигит ва қиз ҳамда уларнинг ўртоқларининг баҳор чоғи гўзал боғда ёшлик ва муҳаббат суруридан маст бўлиб ўтказаетган ёруғ онлари ифода этилган.

“Эрк болалари” ва “Туйғунон” 1921 йилда Маннон Уйғур раҳбарлигидаги театр труппаси томонидан қўйилгандан сўнг бир неча йиллар мобайнида ўлканинг барча шаҳарларидаги кўплаб санойи нафиса тўғаракларида ўйналиб келинди. Кейинчалик Қори Ёқубов ташкил этган этнографик ансамблнинг асосий репертуаридан ўрин эгаллади. 1923 йили ҳар иккала инсценировка ўзбек концерт гуруҳи томонидан муаллиф иштирокида Москвада ўтказилган кишлоқ хўжалик кўрғазмасида намойиш этилди.

1925 йили Парижда ўтказилган бутун дунё декоратив санъати кўрғазмасида Қори Ёқубов ва Тамарахоним томонидан “Эрк болалари” пьесаси ижро этилди. Асарнинг либреттоси француз ва немис тилларига таржима қилиниб, босилиб чиқди. Франциядан қайтишда уни Германияда ҳам кўрсатдилар. Пьесанинг содда драматургияси, унга жалб этилган ёқимли ва ўйноқи куйлари Европа томошабинида санъатимизга қизиқиш уйғотди. Шуниси диққатга молиқки, “Эрк болалари” европалик томошабинлар эътиборига ўзбек санъаткорлари томонидан ҳавола этилган илк сахна асари эди.

Болалар ва ёшлар ҳаётиндан олиб ёзилган кичик сахна асарлари Ғулом Зафарий учун машхур “Ҳалима” мусиқали драмасини ёзишда ўзига хос бир босқич вазифасини ўтади. Бу драмалардан ташқари Ғулом Зафарий “Чин Темир ботир”, “Гулаласал”, “Бузуклик армуғони”, “Пахтагон”, “Янги одам”, “Сайил ва тўй” каби сахна асарлари ҳам яратган. Аммо улар ўз вақтида нашр этилмаганлиги туфайли сақланиб қолмаган.

Шуни ҳисобга олиш керакки, Ғулом Зафарий яратган сахна асарлари мусиқали драма яратиш йўлидаги илк изланишлар эди. Шунинг учун ҳам пьесаларда ўзига хос кусурлар, камчиликларнинг бўлиши табиий, албатта. Лекин шунга қарамадан, бу асарлар ўша даврда халқ қалбига йўл топди ва унинг олқишига, хурмат – эътиборига сазовор бўлди.